

## ИЛОВА КОНСТРУКЦИЯНИНГ МУРАККАБЛАШИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Азизова Заринахон Алихоновна учун

СамдЧТИ ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11286474>

**Аннотация.** Иловали элеменлардан ташкил топтган илова конструкциялар мураккаблашиши хусусиятига ҳам эга. Натижада, илова конструкция таркибида асосий ифодага ҳар хил йўллар билан бирекиб келувчи иловали элеменларнинг сони биттадан ошиши шарт. Демак, икки ёки ундан ортиқ иловали элеменлардан ташкил топган синтактик конструкцияларга мураккаб структуравий илова конструкция деб аталади.

**Key words:** Структуравий гурух, илова конструкция, илова ҳодиса, хокимлик ва тобелик.

## CHARACTERISTICS OF COMPLICATION OF APPLICATION CONSTRUCTION

**Abstract.** Bulk application constructions consisting of application elements also have the characteristic of complexity. As a result, the number of additional elements connected to the main expression in different ways in the structure of the application construction must exceed one. So, syntactic constructions consisting of two or more attached elements are called complex structural attached constructions.

**Key words:** Structural group, application construction, application event, authority and subordination.

## ОСОБЕННОСТИ СЛОЖНОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ СТРОИТЕЛЬСТВА

**Аннотация.** Массовые конструкции приложений, состоящие из элементов приложения, обладают характеристикой сложности. В результате количество дополнительных элементов, различными способами подключенных к основному выражению, в структуре конструкции приложения должно превышать единицу. Так, синтаксические конструкции, состоящие из двух и более присоединенных элементов, называются сложными структурно-прикрепленными конструкциями.

**Ключевые слова:** Структурная группа, построение заявки, событие заявки, полномочия и подчиненность.

Баъзи ҳолларда илова конструкцияларни содда ёки мураккаб структуравий гурухларга ажратишда асосий ифоданинг ҳам структураси ҳисобга олинади.

Масалан, Ю.С. Морару илова конструкциянинг структуравий гурухларини испантили материаллари асосида урганиб, қуидагича мулоҳаза билдириган: «Содда структуравий илова конструкцияни ташкил қилувчи компонентларнинг сони ҳар иккала томонда ҳам бир хил бўлиши керак, яъни биттадан гап ёки синтагмалардан ошмаслиги керак; мураккаб структуравий илова конструкцияни ташкил қилувчи компонентлар эса, ҳам иловали элемент таркибида, ҳам асосий ифода таркибида иккитадан кам бўлмаслиги керак» [Морару 1982: 8]. Бошқача қилиб айтганда, мураккаб структуравий конструкцияларни ташкил қилувчи асосий ифодани сони билан иловали элеменларнинг сони баб-бараварга ошиши керак, яъни иккитадан кам бўлмаслиги керак.

Бироқ, илова конструкциянинг структуравий хусусиятларини бундай метод ёрдамида аниглаш ҳамма вақт ҳам ижобий натижа беравермайди.

Шу сабабли илова конструкциянинг лингвистик моҳиятига таянган ҳолда, уларни структуравий гурухларга ажратиш мақсадга мувофиқдир, чунки илова ҳодиса, илова конструкция ёки илова муносабатлар ҳам асосан ана шу иловали элементларнинг, яъни айтилган, тугатилган фикрларга қўшимча маъно, мазмун беришга мослаштирилган лингвистик моҳиятдан келиб чиқади, яъни асосий ифодага бирикиб келувчи иловали элементларнинг сони билан белгиланади. Иловали элементларнинг сони бирдан ошган барча илова конструкциялар бизнингча мураккаб структуравий илова конструкциялар деб ҳисобланиши ва ана шу коидага риоя килиши лозим.

Энди ана шу мураккаб структурага эга бўлган илова конструкциялар тўғрисида мулоҳазалар юритишга ўтамиз.

Иловали элементларнинг сони иккитадан иборат бўлган илова конструкциялар:

1. Wir fordern jeden auf, mitzumachen und mitzudenken. Dich auch. Jeden [Herbert Otto 1972: 56].

2. Da mußt du ein starkes Ich haben. Eine Nase. Und Glück natürlich [Herbert Otto 1972: 93].

3. Toni sagte leise: «Nein. Wirklich, ich kenns nicht». Sie dachte noch. Und sie fuhr fort, zögernd, nach Worten suchend: «Ich kenne nur Leute, die drüben waren, und welches, die drüben sind. Den Nohl den ersten Mann von der Lene, den hab ich gekannt. Und auch den Bechtler. der es heimlich mit ihm gehalten hat» [Seghers Anna 1971: 155].

№ 1,2 ва 3 -рақамли мисолларда баён қилинган илова конструкцияларининг бир - бирига ўхшаш ва бир - бирларидан фарқ қилувчи аломатларини изоҳлаб беришга утайлик.

Бу иловали элементлар бир-бирларига фақатгина структуравий хусусиятлари билан ухшайди, чунки улар мураккаб структуравий иловали элементлардир, сабаб асосий ифодага бирикиб келувчи иловали элементларнинг сони иккитадан иборатdir. Қолган синтактик хусусиятлари жиҳатдан улар бир-бирларидан фарқ қилишади. Жумладан, № 1 -рақамли мисолдаги иловали элементларга қисман ўхшаса-да, лекин қисман фарқ ҳам қилади, бу фарқ № 1 -рақамли мисолдаги иккинчи иловали элементнинг пайдо бўлиши билан белгиланади, чунки бу иловали элемент такрорланиш йули билан ҳосил бўлади. № 3 - рақамли мисолдаги иловали элементлар № 1,2 -рақамли мисоллардаги иловали элементлардан, биринчидан, структуравий кенгайиши, иккинчидан эса асосий ифодага бирикиб келиши билан фарқ қилади, чунки бу ерда иловали элементлар асосий ифодага кетма-кет бирикиб келади. Уларга ҳос бўлган бундай кетма-кетлик иккинчи иловали элементнинг таркибида келувчи «auch» бириктирувчи боғловчисининг ёрдами туфайли амалга ошади, агарда шу «auch» келмагандан эди, бу иловали элементлар ҳам худди № 1,2 - рақамли мисолларда келтирилган иловали элементларга ўхшаб ўзларининг асосий ифодасига параллел бириккан бўлар эди.

Яна ана шу № 3 -рақамли мисолдаги иловали элементларга ҳос бўлган хусусиятларга тухталайлик, у ҳам булса, бу ерда ҳар бир иловали элемент икки гурухга булинади, яъни хоким ва тобе. Бошқача килиб айтганда, бу мураккаб структуравий гурухни ташкил қилувчи ҳар бир иловали элемент полифункцияга эга, яъни полирема бўлиб келмоқда.

Масалан № 3 -рақамли мисолдаги биринчи иловали элементни қўйидагича изоҳлаш мумкин: den Nohl бу шу элементнинг хоким компоненти, -den ersten Mann der Lene - бу ҳам хоким компонентига тегишли, яъни оппозиция, лекин бу иловали элементнинг den habe ich gekannt -компоненти унга тобе ҳисобланади. Натижада, бир иловали элементнинг структуравий таркибида икки хил хусусият намоён бўлади: хокимлик ва тобелик. Уларга хос бўлган бу хусусиятлар ана шу иловали элементларга полифункционаллик функциясини беради.

Демак, бундай иловали элементлар икки хил функцияда келади, яъни узи бевосита боғлиқ бўлган асосий ифодага нисбаттан иловали элемент функциясида, ўзига тобе бўлган компонент учун асосий ифода функциясида. Худди шундай хусусият № 3-рақамли мисолдаги иловали элементлар таркибида ҳам такрорланиши мумкин. Демак, бу хусусиятлар уларнинг ички хусусиятларидагина эмас, балки ташки қўринишларида ҳам намоён бўлмоқда.

Мураккаб структуравий илова конструкцияларга хос бўлган синтактик хусусиятлардан яна бири, улар орасидаги синтактик алоқаларнинг ифодаланишида намоён бўлади. Бундай мураккаб структуравий илова конструкция компонентлари орасидаги синтактик алоқа воситалари, биринчидан, шу илова конструкциялар таркибида келувчи «auffordem», «haben», «nennen» каби контактам сўзлар ёрдамида, иккинчидан эса ана шу иловали элементлар таркибида келувчи, лекин баъзи ҳолларда ўзларига хос бўлмаган жойларда қўлланувчи auch, und, und auch каби бириктирувчи боғловчилар ёрдамида ифодаланиб келади.

Мураккаб структуравий иловали элементларга хос бўлган бундай хусусиятларни маҳсус бириктирувчи боғловчилар ёрдамида келган иловали элементлар таҳлилида ҳам кузатиш мумкин. Фикримизнинг исботи учун қўйидаги мисоллар таҳлилига эътибор берамиз:

4. Selbst die Mutter geht nicht mehr gern in den Wald. Nur um die Mittagszeit wagt sie sich bis an die Lichtung und holt Gras für die Ziege. Auch Beeren. Und Pilze [Bruns Marianne 1972: 96].

5. «Ich hab noch mal laut gehört, was ich mir selbst dagegen hielt. Jetzt hab ich mich nicht mehr zurückhalten. Auch von dir nicht. Und von mir nicht. [Seghers Anna 1971: 423].

6. Dann aber, und immer mehr Zeit verging und verging begann für mich die Rückkehr.  
Auch für Richard. Und auch für Herbert [Seghers Anna 1971: 410].

7. Endlich kam er dazu mit Julia zu tanzen. Und wieder mit ihr. Und einmal mit Loni [Herbert Otto 1972: 260].

8. Er geht noch mal zurück in die Gaststätte, und am Büfett verlangt er Zitronenscheiben. Oder andere Plätzchen, Oder etwas mit Apfelsine [Herbert Otto 1972: 62].

№ 4,5,6,7 ва 8 -рақамли мисолларда келтирилган иловали элементларга хос бўлган синтактик хусусиятларни қўйидагича изоҳлаш мумкин. Иловали элементларнинг асосий ифодага нисбаттан бирикиши параллел хусусиятга эга, бу параллелликни икки томонлама тушунириш мумкин, биринчидан, асосий ифода таркибида иловали элементларга мое келадиган гап бўлакларининг мавжудлиги;

иккинчидан эса иловали элементларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида асосий ифодага бирикиб келиши орқали.

Бошқача қилиб айтганда, мураккаб структурага эга бўлган иловали элементлар бир-бирларининг ёрдамисиз асосий ифодага мустақил равишда бирикиб келади. Чунки мураккаб структуравий гурухни ташкил қилувчи ҳар бир иловали элементнинг олдида бириктирувчи боғловчилар қўлланилаяпти. Шу сабабли бундай илова конструкция компонентлари орасидаги синтактик алоқалар ҳам узгача ҳарактерга эга бўлади. Бу ҳолни қўйидагича изоҳлаш мумкин. Масалан: №1 ва 8-рақамли мисоллардаги иловали элементлар билан асосий ифода орасидаги синтактик алоқалар қўйидагича ифодаланади: биринчидан, контактли сўзлар ёрдамида яъни -holen.; verlangen.; иккинчидан, auch, und ва oder боғловчиларининг иштирокида; бундай ҳоллар фақатгина 1,8- рақамли мисолларда эмас, балки, барча илова конструкциялар таркибида кузатилмоқда; учинчидан эса, асосий ифода функциясида келувчи бош бўлакларнинг яхлитлиги билан; ва ниҳоят туртинчидан, иловали элементлар таркибида асосий ифоданинг баъзи бир компонентларининг тақорланиши билан. Тақорлланувчи компонентлар функциясида nicht (5), für (6), mit (7) -лар келмоқда.

Иловали элементларга хос бўлган бундай синтактик хусусиятлар уларнинг коммуникатив функциясига ҳам таъсир қиласди, натижада коммуникатив функциялар ҳар хил нозикларга эга бўлади: тўлиқлик, бирикиш ва ажралиш. №4,5,6,7 ва 8 рақамли мисолларда келтирилган мураккаб структуравий иловали конструкцияларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири, иловали элементларнинг олдида у ёки бу бириктируvchi боғловчининг келиши. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бундай иловали элементлар олдидағи бириктируvchi боғловчилар маҳсус бириктируvchi боғловчилар ёрдамида келувчи иловали элементдан тубдан фарқ қиласди, чунки бу ерда бириктируvchi боғловчилар илова конструкция компонентлари орасидаги синтактик алоқа воситасини ифодалашда зарур омил бўлиб хизмат килмайди. №4,5,6,7, ва 8- рақамли мисолларда эса, иловали элементлар олдида келувчи бириктируvchi боғловчилар бундай функцияларни бажармайди, чунки бу илова компонентлар орасидаги синтактик алоқалар уларсиз ҳам ифодаланиб келиши мумкин. Лекин шунга қарамасдан, бу иловали элементларга хос бўлган хусусиятларни алоҳида таъкидлаш ўринли деб ҳисоблаймиз, чунки бириктируvchi боғловчиларга эга бўлган бундай иловали элементлар шу турдаги иловали элементларнинг алоҳида олинган структуравий гурухларини ташкил қилишда муҳим роль уйнайди. Шунинг учун ҳам бу структуравий гурух алоҳида таъкидланиши лозим.

## REFERENCES

1. Морару Ю.С. О некоторых типах присоединительных конструкций (на материале современного испанского языка.) -Кн: Грамматические и лексические исследования по романским и германским языкам. Кишинев, “Штиинца”, 1982. -с. 106-114;
2. Турсунов Б. Т., Ахмедова Б.М. В.Г.Адмони конструкцияларининг матн доирасида таҳлилига доир. Лингвистическая интерпретация специальной текста и активизация обучения иноязычному общению. Материалы международной теоретической конференции 28-30 сентября 1998 года, - Самарканд . Изд-во

СамГУ, 1998. -с. 194-197.

3. Bruns Marianne. Die Lichtung. Mitteldeutscher Verlag Halle(Saale) 1972.460
4. Herbert Otto. Zum Beispiel Josef. Aufbauverlag Berlin und Weimar, 1972, 285 S.
5. Seghers Anna. Das Vertrauen. Aufbauverlag Berlin und Weimar, 1971,455 S.